



Korxona boshqaruvi fani  
Bajardi:Xusanova G.S

## **2-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари**

1.

- Ишлаб чиқариш ва тижорат тадбиркорлиги.  
Молиявий тадбиркорлик

2.

- Якка тартибдаги тадбиркорлик. Хусусий  
тадбиркорлик. Оилавий тадбиркорлик.


3.

- Маъсулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар.  
Фермер хўжалиги. Хусусий корхона. Оилавий  
корхона.

4.

- Акциядорлик жамияти. Корпорация. Холдинг  
компания. Давлат корхоналари.

# **1. Ишлаб чиқариш ва тижорат тадбиркорлиги. Молиявий тадбиркорлик**



Ишлаб чиқариш тадбиркорлигини тадбиркорлик фаолиятининг асосий тури десак хато бўлмайди. Зеро, бундай тадбиркорлик фаолияти туфайли маҳсулот, товарлар ишлаб чиқарилади, хизмат кўрсатилади, маълум маънавий қадриятлар юзага келади.

# Ишлаб чиқарыш омиллари

Капитал

Ишчи кучи, меҳнат

Бошқарув, тадбиркорлик, ахборот

Ер

Ишлаб чиқарыш фонdlари

# **Ишлаб чиқариш фаолияти натижаси**

Маҳсулотни сотиш, бирор-  
б и р и ш н и б а ж а р и ш ,  
харидорга, истеъмолчига  
хизмат кўрсатиш ва маълум  
ҳ а ж м д а ф о й д а о лиш  
тадбиркор ишлаб чиқариш  
фаолиятининг натижасидир.

Тижорат тадбиркорлиги  
фаолияти товар биржалари  
ёки савдо ташкилотлари  
билин боғлиқ.


## **Товар биржаси**

- Товар намуналари харидор томонидан олдиндан кўздан кечирилмаган ва товарларни минимал партияси белгиланган улгуржи товар бозори тури. Товар биржасида ўзаро келишилган вариоя қилинган қоидалар асосида савдо операцияларини амалга ошириш учун тижорат воситалари ва уларнинг хизматчилари ўз хоҳишлари билан бирлашади.

## **Фонд биржаси**

- Капиталнинг кўпайиши, активларнинг ҳақиқий нархини аниқлашга қаратилган қимматбаҳ о қоғозлар бозорига фонд биржаси дейилади. Фонд биржасининг фаолият тамойили талаб ва таклифни тезкор тартиблаштиришдан иборатdir.

# Товар биржалари қуидаги асосий вазифаларни бажаради




## Тижорат тадбиркорлигининг асосий мазмунини товар олиб-сотиш ва хизматлар кўрсатиш ташкил этади.



Тижорат тадбиркорлик фаолияти умумий шаклда ишлаб чиқариш тадбиркорлиги фаолиятига ўхшаб кетади.



Тижорат тадбиркорлигига истеъмолчига моддий ресурслар ўрнига тайёр товарлар сотилади.



Тижорат тадбиркорлигига маҳсулот ишлаб чиқариш ўрнини тайёр товар эгаллайди.



Тижорат битими тузишдан олдин бозор таҳлилини ўтказиш зарур.

Тижорат банклари ва фонд биржалари молиявий тадбиркорлик учун фаолият кўрсатувчи мақом бўлиб хизмат қиласди.

**Тижорат банклари** акциядорлик туридаги молиявий-кредит муассасаси бўлиб, асосан пул омонатларини (депозитларни) қабул қилувчи ва мижоз кўрсатмаси билан бошқа ҳисоб-китоб операцияларни амалга оширувчи тижорат ташкилотларига пулли хизмат кўрсатади. Тижорат банкларининг даромад манбай депозит (жалб этилган) ва ссуда маблағлари ўртасидаги фарқлардан шакланади.

# Маслахат тадбиркорлиги

Маълум бир соҳада ўз мутахассислиги бўйича йўл-йўрик кўрсатувчи кишига маслаҳатчи дейилади. Чет элларда бошқарув бўйича пулли маслаҳат консалтинг деб юритилади.

бўйича Евropa Федерацияси  
Маслаҳатчилик Ассоциациясин инг таърифича, менежмент - консалтинг бошқарув бўйича муаммова имкониятларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда

## **Экспертли маслаҳат**

- консалтингнинг энг пассив шаклидир. Маслаҳатнинг бу турида маслаҳатчи диагностика, қарор қабул қилиш ва уларни жорий этишни мустақил равишда амалга оширади. Мижоз эса бундай ҳолларда маслаҳатчига керакли ахборот етказиб бериши зарур.


## **Жараён маслаҳати**

- лойиҳани ишлаб чиқиши босқичларида консалтинг фирма маслаҳатчилари мижоз билан фаол иш олиб бориб, юзага келган муаммоларни ҳамкорликда таҳлил қиласди ва зарур таклифлар беради.

- мутахассисларнинг асосий мақсади ғояларнинг юзага келиши, ечимлар қабул қилиш учун асос тайёрлашдир. Шу мақсадда мижозлар учун маъruzалар ўқиласди, семинарлар ўтказилади, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқиласди.

## **Ўргатувчи маслаҳати**

## **2. Якка тартибдаги тадбиркорлик. Хусусий тадбиркорлик. Оилавий тадбиркорлик.**



Якка тартибдаги тадбиркорлик (ЯТТ) — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши.

ЯТТ якка тартибдаги тадбиркор томонидан **ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз**, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикасида «Тадбиркорлик фаолиятининг эркилгиги тўғрисида»ги қонун 20 май 2000 йил**

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб килинади.

2015 йил 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори имзоланди.

Низомга кўра, хусусий тадбиркор ходимларни ёллашни банкда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоб рақами очилгандан кейин амалга ошириши мумкин.

Шунингдек, Низомга қайси фаолият билан шуғулданаётган хусусий тадбиркорлар неча нафарга ходим ёллаши мумкинлигини белгиловчи рўйхат ҳам илова қилинган. Унга кўра, фаолият турларига қараб, бир нафардан уч нафаргача ходим ёллаши мумкинлиги қайд этилган.

Ходимни ёллашда (ишга қабул қилишда) хусусий тадбиркор унинг билан махсус шаклга мувофиқ ёзма меҳнат шартномасини тузади.

Меҳнат шартномаси уч нусхада тузилади, улардан биттаси хусусий тадбиркор солик бўйича ҳисобга олинган жойдаги давлат солик хизмати органига берилади, иккинчиси хусусий тадбиркорда, учинчиси эса — ходимда қолади.

Аҳамиятли томони, меҳнат шартномасида хусусий тадбиркорниң имзосини муҳр билан тасдиқлаш, шунингдек ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилиши талаб қилинмайди.

Ходимга хусусий тадбиркор томонидан меҳнат дафтарчаси юритилмайди.

Хусусий тадбиркорда ёллаш бўйича ишлаган иш давлари унинг учун ушбу давларда Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган такдирда ходимнинг меҳнат стажига қўшилади.


## **Ходимларни ёллаган ҳолда хусусий тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган фаолият турларининг рўйхати**

<b>№</b>	<b>Фаолият турининг номи</b>	<b>Ёлланадиган ходимлар сони</b>
1	Чакана савдо	1
2	Қонунчиликда белгиланган рўйхат бўйича хунармандчилик фаолияти	3
3	Маишӣ хизматлар, қонунчиликда белгиланган рўйхат бўйича хунармандчилик фаолиятидан ташқари	3
4	Фаолиятнинг бошқа турлари	2

Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини қуидаги:  
эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;  
юридик шахс ташкил этмаган ҳолда дәхқон хұжалиги шаклларида амалга оширишлари мүмкін.

# Хусусий тадбиркорлик

фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўз таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.



тадбиркорлик

ниң якка

тартибда

фАОлият

юритаётган

тадбиркорликд

ан фарқи

шундаки, бу

ерда улар

юридик шахс

сифатида иш

кўрадилар ва

ўз

корхоналарин

и давлат

рўйхатидан

ўтказишга

мажбурдирлар.

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

Бир оилавий корхона иштирокчиси бир вактнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сон фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳакида ПФ-3305-сон Фармони (30.08.2003)

Микрофирмалар туркумига, одатда, куйидаги янги бунёд этилаётган ва амалдаги корхоналар кирадилар:

- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртacha йиллик сони - 20 кишидан;
- хизмат кўрсатиш соҳаси ва ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган бошқа тармоқларда 10 кишидан;
- улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган корхоналар.

### **3. Масъулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар. Фермер хўжалиги. Хусусий корхона. Оилавий корхона.**

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари билан белгиланган микдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ заарлар учун ўзлари кўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда  
кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги» Қонуни 2001  
йил 6 декабрь, 310-П-сон**

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган микдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти қўшимча масъулиятли жамият деб ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулклари билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали микдорда солидар тарзда субсидиар **жавобгар бўладилар**.

Кўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари жавобгарлигининг энг юқори миқдори қўшимча масъулиятли жамиятнинг уставида назарда тутилади.

Иштирокчилардан бири банкрот бўлиб қолганида унинг қўшимча масъулиятли жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият (бундан буён матнда жамият деб юритилади) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

Жамият, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача коида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

Юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг иштирокчилари бўладилар.

Конунда айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг жамиятда иштирок этиши тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача коида белгиланган бўлмаса, жамиятнинг иштирокчилари бўлишга ҳақли эмаслар.

Жамият бир шахс томонидан таъсис этилиши мумкин бўлиб, у жамиятнинг ягона иштирокчисига айланади. Жамият кейинчалик бир иштирокчиси бўлган жамиятга айланиши мумкин.

Жамият иштирокчилариининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим.

Агар жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрдан ошиб кетса, жамият бир йил ичида акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибида тугатилиши керак.

Жамият иштирокчилари қўйидагиларга ҳақлидирлар:

- жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- жамиятнинг устав фондидағи (устав капиталидаги) ўз улушкини ёхуд унинг бир қисмини жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
- жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Жамиятнинг таъсис шартномаси ва устави жамият таъсис хужжатлари деб ҳисобланади.

Агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, шу шахс тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис хужжати ҳисобланади. Жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайса, улар ўртасида таъсис шартномаси тузилиши керак.

Жамият устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) микдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун хужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра конун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси — фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигига тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси фермер бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира ерларда ташкил этилади.

Чорвачилик махсулоти этиширишга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблагандა Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидағи суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлариға ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 30 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 5 гектарни ташкил этади.

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-хуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда давогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ёки «ХК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Хусусий корхоналарнинг — кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини режали текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган тартибда кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа хусусий корхоналарнинг фаолиятини текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган хусусий корхоналарнинг — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди,

Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган хусусий корхоналар — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек хусусий корхоналар — кичик тадбиркорлик субъектларининг бюджет маблағларидан ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умуний сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртacha йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Оилавий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Оилавий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «oilaviy korxona» деган сўзларни ўз ичига олиши керак. Оилавий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «oilaviy korxona» деган сўзларни ёки «ОК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

## **4. Акциядорлик жамияти. Корпорация. Холдинг компания**

Устав фонди (капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян микдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти (АЖ) дейилади.

Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида ва жамият уставида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва жамиятнинг розилигисиз ўзга шахсга беришга ҳақли.

Жамият АЖ ёки МЧЖ шаклидаги шўъба хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Жамиятни таъсис этиш йўли билан ташкил этиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига кўра амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир муассис томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарор шу муассис томонидан якка тартибда қабул қилинади.

Жамиятнинг муассислари уни ташкил этиш тўғрисида ўзаро таъсис шартномасини тузадилар, шартномада уларнинг жамиятни таъсис этишга доир биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш тартиби, жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши лозим бўлган акцияларнинг турлари, улар учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби, муассисларнинг жамиятни ташкил этишга доир ҳукуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг муассислари (муассиси) деб эътироф этилади.

Агар қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат органлари жамиятнинг муассислари (акциядорлари) бўлиши мумкин эмас.

Жамият устав фонднинг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) жамият уставида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Концернлар ҳар хил турдаги компаниялардан ташкил топган бўлиб, унга кирувчи корхоналарнинг мустақил фаолият юритиш даражаси билан фарқланади. Америка концернлари ўз филиалларини тўла бошқариш имкониятига эга бўлсалар, Фарбий Европа ва Япония концернлари расмий тарзда бош компания яъни акцияларнинг назорат пакетига эга бўлган компания томонидан бошқариладиган мустақил корхоналардан ташкил топган бўлади (холдинг тузилмаси).

**Молиявий холдинг** – бу молиявий компанияларнинг махсус тури бўлиб, акцияларни назорат пакетини қўлга киритиш орқали бирлашув тасарруфига кирувчи корхоналар фаолияти устидан назорат ва бошқариш учун ташкил қилинади.

Концерн ичida нафақат холдинг балки банк сифатида иштирок этиш имкониятига эга мустақил молиявий марказнинг мавжуд бўлиши бундай бирлашувнинг молиявий-саноат гурухи деб аташга асос бўла олади.

**Молиявий-саноат гурухи (МСГ)** – бу моливий тарафдан бир-бирига боғлиқ корхоналар гурухи бўлиб, ўз ичига умумий масалаларни ечиш мақсадида ташкил қилинган махсуслашган молиявий институтларни қамраб олади.

# Кичик корхоналар фаолият соҳаси бўйича туркумланиши

Фаолият соҳалари	Ишчи сони	ПФ-4232 (20%)
Енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш, асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел ва қурилиш материаллари	100 тагача	120 тагача
Машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ва бошқалар	50 тагача	60 тагача
Фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида	25 тагача	30 тагача

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчи тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4232 Фармони 28.07.2010 й.

# Акциядорлик жамияти

жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан ташкил этилади.

Акциядорлик жамиятларини тузиш ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ифодаланган. Ушбу қонуннинг 2-моддасига мувофиқ: